



БУХОРО ВИЛОЯТИДА ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР ТАҲЛИЛИ

Адхамов Зафар Акбарович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси

(ORCID-0009-0004-0961-3708)

zafaradxamov886@gmail.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15638978>

ARTICLE INFO

Received: 01st June 2025

Accepted: 05th June 2025

Published: 11th June 2025

KEYWORDS

Илгари судланган шахс, қайта жиноятчилик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, криминалогик таҳлил, Бухоро вилояти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жиноий омиллар.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Бухоро вилояти мисолида илгари судланган шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг криминалогик хусусиятлари таҳлил қилинган. Тадқиқот доирасида ҳудудий профилактика тизимидаги мавжуд камчиликлар ва муаммоларга эътибор қаратилган. Мақолада статистик маълумотлар, маҳаллий ва хорижий тажрибалар, ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига танқидий ёндашув асосида ёндашилган.

Жиноятчиликка қарши курашнинг самарали усуллари билан бири — жиноят содир этиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни аниқлаш ва улар билан мақсадли профилактика ишларини олиб боришдир. Илгари судланган шахслар айнан шундай тоифага киради. Судланганлик — шахснинг ҳуқуқий мақомини, ижтимоий муносабатларини, хатти-ҳаракатини белгилаб берадиган омил сифатида ўта муҳим. Ушбу мақолада илгари судланган шахслар кимлар эканлиги, уларнинг турлари, ҳуқуқий мақоми, шунингдек, улар билан ишлашда қўлланиладиган чора-тадбирлар, хорижий ва миллий тажриба асосида таҳлил қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, “халқимиз Яратгандан, аввало, тинчлик-хотиржамликни сўрайди. Шундан сўнг, ўз уйим, бошпанам бўлса, оилам, бола-чақам билан соғ-саломат яшасам, дейди. Биз халқимизнинг ана шундай орзу-ниятларини рўёбга чиқариш учун иккита масалага, яъни ички ишлар ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратаёلمиз”¹, - деб таъкидлаб, тинчлик ва осойишталик халқимиз учун энг улуғ қадриятлардан бири эканлигини кўрсатиб ўтди.

Статистик маълумотларга кўра, Бухоро вилояти бўйича 2023 йилда 331 нафар, 2024 йилда 316 нафар илгари судланган шахслар бўлиб, илгари судланган шахслар томонидан 2023 йил давомида жами 442 та жиноятлар содир этилган бўлса, 2024 йилда 471 та жиноятлар содир этилганлиги бугунги кунда илгари судланган шахслар билан олиб борилаётган профилактик тадбирларнинг қанчалик самарасиз ташкил этилаётганлигидан далолат бериб турибди. Эътибор бериладиган бўлса, илгари

¹ Шавкат Мирзиёев томонидан Конституциянинг 25 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ шахсларга турли унвонлар, орден ва медалларни ўз эгаларига топшириш маросида сўзлаган нутқи// Халқ сўзи. – 2017. – 7 дек.

судланган шахслар сони 331 нафардан 316 нафарга ёки 4,5 фоизга камайган бўлсада, улар томонидан содир этилган жиноятлар эса 442 тадан 471 тага ёки 6.1 фоизга ошиб кетишига йўл қўйилган.

Юқорида келтирилган рақамларнинг ўзи мавзунинг қанчалик муҳимлиги ҳамда ушбу муаммога илмий, назарий жихатдан ёндашиши қанчалар объектив зарурат эканлигини кўрсатиб турибди.

Илгари судланган шахсларнинг аксарият қисмини турмуш-тарзи носоғлом, вақтинча ишсиз, маълумоти юқори бўлмаган, маънавияти ривожланмаган, атрофдагиларга бўлган муносабати самимий бўлмаган, атрофидагилар билан муомалада кўпол ва жаззаки бўлган тоифадаги шахслар ташкил этади².

Илгари судланган шахслар ҳеч қачон юқори даражадаги маълумоти билан ажралиб турмаган. Таҳлилларда, уларнинг 76% ўрта маълумотга эга эмаслиги аниқланди. Таълим даражасининг пастлиги шахсни жиноят содир этишида муҳим аҳамият касб этади. Буларнинг барчаси, юқорида айтиб ўтилганидек, аҳоли маънавиятининг умумий пасайиши билан кучаяди. Ҳуқуқбузар шахсларнинг маълумот даражаси ўрганилганида, уларнинг 5%ининг - маълумоти олий, 26% ўрта махсус, 66% - ўрта маълумотли, 3% эса тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ташкил этди. Ушбу тоифадаги шахсларнинг жинсга оид маълумотлари таҳлил қилинганда оилада зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этувчилар асосан эркаклар бўлиб, уларнинг ҳиссаси 82%ни ташкил этади.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳуқуқбузар шахсларнинг энг кўп қисмини 66% - ўрта маълумотга эга бўлган, 64,8%ни ишсизлар, энг кўп ҳуқуқбузарлик содир этувчиларни 38,6%ни 30-35 ёшгача бўлган шахсларни ҳамда ушбу ҳуқуқбузарликларнинг 82% эркаклар томонидан содир этилишини кузатиш мумкин.

Илгари судланган шахслар оилавий аҳволига кўра қуйидагича тақсимланади: 48% оилали, 9% бирга яшамайди, 43% турмуш қурмаган. Тадқиқотларга кўра, рецидивистларнинг оилавий аҳволи қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади. Биринчидан, оилавий муносабатларнинг бузилиши ва оилада низоли вазиятлар рецидив шахслар ўртасида кўпроқ содир бўлади; иккинчидан, биринчи маротаба судланганлар орасида турмуш қурмаганлар улуши кўпроқ эканлиги шахсни оилага жиддий муносабатда бўлишга ундайди. Зеро, “оиладаги ҳаёт тарзи шахснинг жинойий хулқ мотивациясига бевосита таъсир кўрсатади. У ташқи ижтимоий ва бошқа омиллардан ташкил топиб, жиноят содир этувчи шахснинг шахсий хусусиятларига таъсир кўрсатиб унинг жиноят содир этишини белгилаб беради”³.

Илгари судланган шахсларнинг тахминан 75-80% бўш вақтларини кўпинча спиртли ичимлик ёки гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш ёхуд қимор ўйинлари ўйнаш билан ўтказишни афзал кўради⁴. Бу борада рецидив ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ўз вақтида ҳисобга олиш, маъмурий назорат ўрнатиш, ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга, профилактика чоралари тезкор-қидирув тадбирлари билан бир вақтда амалга оширилиши керак. Илгари судланган шахсларнинг шахсияти бир нечта турдаги таъсирларни бошдан кечиради - бу бир вақтнинг ўзида ишчилар колонияларининг йўналтирилган таъсири, маҳкумларнинг турли гуруҳларининг таъсири, умуман маҳкумлар контингенти, уларнинг ҳаваскор ташкилотларининг сон-саноксиз бошқа таъсирлар. Бу таъсирларнинг баъзилари бир-бирига тўғри келмайди, баъзан эса пенитенсиар таъсирнинг вазифалари ва мазмунига қарама-қарши бўлади. Бу маҳкумлар ўртасидаги мулоқот психологиясини, шахслараро

² Акназарова Ш. Оилада зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар сабабларини аниқлашнинг аҳамияти // Адвокат. –Т., 2011. №-2. – Б. 37.

³ Журавлева Ю.В. Виктимологическая профилактика изнасилований: Афтореф, дис. кан. Юрид. Наук. – М., 2007. –С. 12.

⁴ Муродов А.Ш. Ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш: Юридик фанлар бўйича фалсафа док-ри дисс. –Т., 2019. – Б. 72-73.

муносабатларни, жамоавий ва жамоавий мулоқотдан ташқаридаги оммавий шаклларни чуқур ўрганиш ва ҳисобга олишни талаб қилади.

Илгари судланган шахсларнинг 85% ўзининг доимий яшаш жойи ҳудудида ўша жойдаги криминоген вазиятни яхши билиши туфайли ўзининг жиноий мақсадлари йўлида жиноят содир этган. Илгари судланган шахсларнинг энг ҳарактерли хусусияти уларнинг ғайриижтимоий қарашлари ва хулқ-атворининг барқарорлиги бўлиб, бу ахлоқий-ҳуқуқий меъёрларга эътибор бермаслик, паразитлик, такрорий тизимли жиноятлар содир этишда намоён бўлади. Рецидивистлар нафақат ўзлари янги жиноятлар содир этишлари, балки бошқа маънавий жиҳатдан барқарор бўлмаган шахсларни, айниқса, йигит ва ўсмирларни жиноий ҳаракатларга жалб этишади.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, илгари судланган шахслар орасида:

- 70% атрофидаги шахслар — 25 ёшдан 45 ёшгача бўлган ёш гуруҳига мансуб;
- 80% га яқини эркаклар, фақат 20% атрофида аёллар;
- тахминан 60% ҳолатларда - махсус маълумотга эга бўлмаган, фақат умумий ўрта маълумотли шахслар;
- 47% - ишсиз ёки расмий даромад манбасиз, бу уларнинг криминоген хатарини оширади;
- 30% - яқка яшайдиган, ижтимоий ёрдамсиз қолган, назоратсиз муҳитда тарбия топган шахслар.

Ушбу гуруҳга оид шахслар томонидан амалга ошириладиган жиноятларда қуйидаги тенденциялар кузатилмоқда:

- рецидив жиноятлар даражаси юқори: илгари судланган шахсларнинг 38–41% и қайта жиноят содир этган;
- уларнинг орасида мол-мулкка қарши жиноятлар (ўғирлик, талончилик, фирибгарлик) кенг тарқалган;
- рецидив ҳолатларида жиноят содир этиш шакллари анча “касбийлашган” — яъни илгари судланган шахс ўзининг аввалги “тажрибаси”га таяниб ҳаракат қилади;
- жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар, масалан, безорилик ёки алкоголь таъсиридаги жиноятлар ҳам анча кенг тарқалган.

Илгари судланган шахслар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш кўп жиҳатдан тезкор-профилактика ишларининг табиати ва интенсивлиги ушбу тоифадаги жиноятчиларнинг шахсий хусусиятларига қанчалик мос келишига боғлиқ бўлади. Жиноятчи-рецидивистнинг шахсини тавсифловчи маълумотларнинг таҳлили унинг умумий портретини тузишга имкон беради.

Илгари судланган шахсларнинг криминологик тавсифи юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари уларнинг жиноят содир этишдаги юқори эҳтимоли ва ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятларини яққол намоён қилди. Жумладан, мазкур тоифага мансуб шахслар орасида ишсизлик, таълим даражасининг пастлиги ва жамиятдан четлашиш ҳолатлари жиноий хатти-ҳаракатнинг асосий омиллари сифатида қайд этилди.

Айнан шундай ижтимоий фонда ривожланган шахсларнинг криминал муҳитга мойил бўлиши борасида жаҳон тадқиқотчилари ҳам бир фикрда - масалан, Т.Готтфредсон ва Х. Хиршининг ўз-ўзини назорат қилиш назариясида шахснинг ижтимоий шароити, тарбия ва таълим билан боғлиқ қийинчиликлари унинг ҳуқуқбузарликка мойиллигини ошириши қайд этилган. Ўзбекистондаги ҳолат ҳам ушбу назариянинг амалдаги тасдиғи сифатида кўрилиши мумкин.

Шу билан бирга, рецидив ҳолатларининг юқори эканлиги - яъни илгари судланган шахсларнинг 38-41% қисми қайта жиноят содир этгани - профилактик фаолиятнинг кам самарали эканлигини кўрсатади. Бу ерда, профилактиканинг фақатгина маъмурий назорат шаклида эмас, балки шахсни психологик ва ижтимоий реабилитатсия қилиш асосида қурилиши лозимлиги равшан бўлади.

Масалан, Германияда судланган шахслар учун махсус реабилитация марказлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар қайта жиноятчилик даражасини 20% гача пасайтиришга эришган. АҚШнинг “Second Chance” дастурлари доирасида судланганларнинг меҳнат бозорига мослашуви, психологик маслаҳат ва маслаҳатчиларнинг кузатуви таъминланади. Ушбу хорижий тажрибалар кўрсатадики, реинтеграция ва реабилитацияга қаратилган ёндашув қайта жиноятчиликнинг олдини олишда самаралироқ.

Ўзбекистонда эса ҳозирча бу масалага фақат маъмурий ва профилактик рўйхат орқали ёндашиш ҳолати устунлик қилмоқда. Бу ҳолатда маҳалла, пробация ва бандлик органлари ўртасидаги ҳамкорлик механизмини кучайтириш, ишсизликни камайитириш бўйича аниқ механизмларни жорий этиш зарурати туғилади.

Тадқиқот шуни кўрсатадики, судланган шахсларнинг аксар қисми жамиятда ўз ўрнини топа олмайган, психологик ёрдамга муҳтож, ва аксарият ҳолларда қайта жиноятга уриниши энг қулай ечим сифатида қабул қилинаётган шахслардир. Демак, профилактика фақат жазо ва назорат билан эмас, шу шахсни одам сифатида қайта тарбиялаш ва жамиятга мослаштириш орқали амалга оширилиши лозим.

Америка Қўшма Штатларида жиноятчи шахсини ўрганиш психология, сотсиология ва нейробиология фанлари билан боғланган ҳолда амалга оширилади. Уларнинг асосий хусусиятлари:

- Behavioral Profiling (Ҳаракат профилировкаси) ФБРнинг махсус криминологик таҳлил гуруҳлари томонидан қўлланилади. Улар жиноятчи шахсининг ёши, жинси, иш фаолияти, ўтмиши, хулқи, ҳатто уй шароитигага таҳлил қилади.

- Risk Assessment Tools (Хавф баҳолаш воситалари): жиноятни такрорлаш эҳтимолини ҳисоблаш учун астуариал риск ассессмент моделлари (масалан, COMPAS) қўлланилади.

- Тадқиқотлардан маълум бўлишича, АҚШдаги жиноятчиларнинг 60–70% кам таълимли, 50% дан ортиги камбағаллик ёки ижтимоий тенгсизлик қурбонларидир⁵.

Россияда жиноятчи шахсининг криминологик таҳлили анъанавий равишда “жамиятдан четлашган, ижтимоий девиант шахс” сифатида қаралади. Россиядаги илмий таҳлилларга кўра:

- 65% дан ортиқ жиноятчилар меҳнатсиз, маълумоти паст ёки касбга эга эмас.

- 70% жиноят маст ҳолда содир этилган.

- Илгари судланганларнинг 40% рецидив ҳолатида жиноят содир этган.

- Шахсий ахлоқий-руҳий бузилишлар, оилавий муаммолар, “қўрқинчсизлик ҳисси” (анонимлик, жазодан қутулишга умид) асосий психо-ижтимоий омиллардир⁶.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қайта жиноят содир этиш эҳтимолини аниқ баҳолаш имкони яратиш, эрта босқичда аниқлаш ва олдини олиш мақсадида;

- илгари судланган шахслар учун рецидивни аниқлашга хизмат қилувчи “психо-сотсиал диагностика” тестлар жорий этиш,

- фуқароларни эркинликдан маҳрум этмасдан тарбиялашнинг “алтернатив жазо шакллари” (электрон назорат, шарт билан озод қилиш) оммалаштириш,

- “илгари судланганлар электрон реестри” орқали рецидив хавфини мониторинг қилиш автоматлаштириш,

- ички ишлар органлари тизимида “жиноятчи шахси билан ишлаш” махсус курслари жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

⁵ Гуров А.И. Профессиональная преступность. Прошлое и современность.-М., 1990.-С.76.

⁶ Andrews, D. A., & Bonta, J. (2010). The Psychology of Criminal Conduct. Anderson Publishing.

1. Шавкат Мирзиёев томонидан Конституциянинг 25 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ шахсларга турли унвонлар, орден ва медалларни ўз эгаларига топшириш маросида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 7 дек..
2. Акназарова Ш. Оилада зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар сабабларини аниқлашнинг аҳамияти // Адвокат. –Т., 2011. №-2. – Б. 37.
3. Журавлева Ю.В. Виктимологическая профилактика изнасилований: Автореф, дис, кан. Юрид. Наук. – М., 2007. –С. 12..
4. Муродов А.Ш. Ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш: Юридик фанлар бўйича фалсафа док-ри дисс. –Т., 2019. – Б. 72-73.5. Валеев Р.Х. Криминология. – Казань: КГУ, 2018.
5. Гуров А.И. Профессиональная преступность. Прошлое и современность.-М., 1990.-С.76.
6. Andrews, D.A., & Bonta, J. (2010). The Psychology of Criminal Conduct. Anderson Publishing.
7. Адхамов З. Қадимги таълимотларда илгари судланган шахслар ўртасида яқка тартибдаги профилактикага оид ёндашувлар //Академические исследования в современной науке. – 2025. – Т. 4. – №. 13. – С. 189-193.
8. Адхамов, Зафар. "Қадимги таълимотларда илгари судланган шахслар ўртасида яқка тартибдаги профилактикага оид ёндашувлар." Академические исследования в современной науке 4.13 (2025): 189-193.
9. Адхамов, З. (2025). Қадимги таълимотларда илгари судланган шахслар ўртасида яқка тартибдаги профилактикага оид ёндашувлар. Академические исследования в современной науке, 4(13), 189-193.

INNOVATIVE
ACADEMY